



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

9 июль куни Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноят, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёев, “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Робахон Махмудова, Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Абдушукур Ҳамзаев Президент сайловида овоз берди.



Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноят пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 427-сайлов участкасида овоз берди.

Президент сайлови доимо демократик давлатлар тараққиёти ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимида муҳим институт сифатида марказий ўринни эгаллаб келган. Зеро, ҳар қандай демократик жамият ўзагини эркин ва адолатли сайловлар ташкил этади.

Шиддат билан ривожланиб бораётган мамлакатимиз тараққиётида фуқароларимиз қонунда белгиланган сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, ўзларининг сиёсий фаолликларини намоён этди.

Бўлиб ўтган Президент сайловида сиёсий партиялар томонидан ҳар қачонгидан ҳам жиддий тайёргарлик кўрилгани овоз бериш жараёнида аҳолининг кўтаринки руҳ билан иштирок этганлигида ақол сезилди.

Сайлов жараёни тўлиқ халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошқоралик, кўп партиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди. Бунда сайлов тизимида оид қонунчиликда фуқароларнинг сайловолди кампаниясида ва овоз беришда эркин қатнашиши, овоз бериш яширинлиги, буни ҳар бир фуқаронинг ўзи бевосита амалга ошириши белгилаб қўйилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Ҳамюртларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашди. Бу эса уларнинг Ватан тақдири, юрт келажаги, фарзандларимизнинг эртанги кунига масъулиятни астойдил ҳис этаётганидан дарак беради.



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев 9 июль куни оила аъзолари билан бирга Тошкент шаҳридаги 59-сайлов участкасига ташриф буюриб, сайловда овоз берди.

Маълумки, жорий йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги таҳрирда қабул қилинди. Унда ҳуқуқий, дунёвий ва ижтимоий тамойиллар янада мустаҳкамланиб, давлатнинг бу борадаги мажбуриятлари ошди. Янгиланган Конституция давлат ҳокимияти олдида янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни қўйди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари Конституциянинг 128-моддасига мувофиқ, муддатидан илгари Президент сайлови ўтказиш ҳақида халқимизга мурожаат қилди. Бу ташаббус Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда жамоатчилик фаоллари томонидан қўллаб-қувватланди.

Марказий сайлов комиссияси 4 та сиёсий партиядан номзодларни рўйхатга олди. 14 та сайлов округи ва 10 минг 784 та сайлов участкаси тўзилди. Сайловда иштирок этган барча номзодларга тенг ва эркин шaroитлар яратилди.

Президент сайлови мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги, халқимиз фаровонлигига таъсир этувчи муҳим сиёсий воқеадир. Фуқаролар буни чуқур ҳис этиб, сайловда фаол иштирок этди.

Бу жараёни 47 та давлат ва 15 нуфузли халқаро ташкилотдан жами 797 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди, оммавий ахборот воситалари кенг ёритди.



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Робахон Махмудова Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 21-сайлов участкасига оилавий ташриф буюрди. Сайловлар жараёнида иштирок этиб, овоз берди.

Юртимизда демократик тамойиллар асосида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қонунчилик йўли билан мувофиқлаштириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган муҳим сиёсий тadbир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам мамлакатимиз фуқаролари яна бир тарихий воқеликнинг бевосита иштирокчиси ва гувоҳи бўдилар.

Чунки сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, жамият ва давлат бошқарувида фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир.

Таъкидланганидек, бу галги сайловда кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатда очиқлик, шаффофлик тамойили таъминланаётгани очиқ намоён бўлди.

Юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловларнинг энг юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, Бош қомусимизда мустаҳкамланган қоидалар асосида ўтишига, сайловчиларнинг фаоллиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.



Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаев Тошкент шаҳридаги 583-сайлов участкасида овоз берди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда яшил иқтисодиётни ривожлантириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Негаки, халқимиз ва келажақ авлод учун муносиб турмуш шaroитлари яратиш ҳамда фаровон жамият барпо этишда, энг аввало, барқарор экологик муҳит яратилишининг ўз ўрни бор.

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар бугун ўз самарасини бериб келмоқда.

Президент сайлови сайловлар давомида тўпланган миллий тажриба, илғор хорижий амалиёт, шунингдек, халқаро стандартлар асосида шакллантирилган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтди. Мазкур Сайлов кодексида Президент сайловининг ўзига хос хусусиятлари билан бирга, сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари томонидан олиб борилаётган ташвиқот турлари, шакллари ҳамда усуллари аниқ белгилаб қўйилди.

Энг муҳими, халқимизнинг мазкур сиёсий жараён — Президент сайловида фаоллиги сезилди. Бу жараённинг адолатли ва шаффоф ўтишига муносиб ҳисса қўшди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.



САЙЛОВ — 2023

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ИСЛОХОТЛАРГА МУСТАҲКАМ ИШОНЧНИ НАМОЁН ЭТДИ

Куни кеча, 9 июль куни мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоиз, бу йилги сайлов биринчи марта янги таҳрирдаги Конституциямиз асосида, шунингдек, Сайлов кодекси ва халқаро талабларга мос равишда, очиқ, шаффоф ва демократик руҳда ўтди.



Овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларимиз сайловда фаол иштирок этиб, ўзлари танлаган номзодга овоз берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида овоз бериш учун хорижда бўлиб турган фуқароларимизга ҳам зарур шaroитлар яратилди. Шу тариқа халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим сиёсий жараён — Президент сайлови нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда

Давоми 3-бетда



ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯ САРИ ТАШЛАНГАН КАТТА ҚАДАМ

Овоз бериш жараёни халқаро кузатувчилар нигоҳида

9 июль куни муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Республикамизда ва хорижий элларда дунёнинг 47 мамлакатидан, 15 та халқаро ташкилот ва 15 та хорижий давлатнинг Марказий сайлов комиссияларидан 800 нафар атрофида хорижий кузатувчи овоз бериш жараёни мониторингини олиб борди.

Давоми 2-бетда

САЙЛОВДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ

9 июль куни мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари ҳам фаол иштирок этди.

Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодаланиши, жамият ва давлатни бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир. Юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловларнинг энг юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, Бош қомусимизда мустаҳкамланган қоидалар асосида ўтишига, сайловчиларнинг фаоллиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқдир.

Андижон вилояти ҳокими Шўҳратбек Абдурахмонов Андижон шаҳридаги 31-умумтаълим мактабида ташкил этилган 20-сайлов участкасига келиб овоз берди.

— Юртдошларимиз, андижонликлар Президент сайловида фаол иштирок этаётганидан хурсандман, — деди вилоят ҳокими Ш.Абдурахмонов. — Бўлиб ўтаётган муддатидан илгари

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз тараққиёти, жамиятимизда демократик тамойилларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Ватанимиз тақдирига, халқимизнинг порлоқ келажагига бефарқ қарамайдиган ҳар бир юртдошимиз сайловда фаол қатнашиб, энг муносиб номзод учун овоз бериши лозим.

Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов 9-Сурхондарё сайлов округи ҳудудидаги 861-сайлов участкасида овоз берди.

— Муддатидан илгари Президент сайлови мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти, юртимиз ободлиги, кўп миллатли халқимиз фаровонлигини белгилаб берадиган муҳим сиёсий тadbир, — деди У.Қосимов. — Бу жараёнда қатнашиш барчамиз учун Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва шарафли бурчдир.

Давоми 2-бетда

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ФУҚАРОЛАР
САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИ ЭРКИН АМАЛГА ОШИРИШИ
УЧУН БАРЧА ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН

Амонван РУАНГАТАВАТ,
“Ambassador World Magazine” журнали
бош директори (Таиланд):

— Аввало, халқро кузатувчи сифатида Ўзбекистонга тақлиф қилгани учун мамлакатининг Таиланддаги элчихонасига ўз миннатдорлигини билдирмоқчиман.

Бу Ўзбекистонга биринчи таширфим ва мамлакатингизда мени саимий кутиб олишгандан жуда хурсанд бўлдим. Агар мендан Ўзбекистон ва унинг одамлари ҳақидаги таассуротларимни сўрасангиз, ҳеч иккиланмасдан айтаманки, бу ерда мен ҳаётдан мамнун, очиқ чехрали, табассумли, меҳмондўст инсонларни кўрдим. Бизга кўрсатилаётган юқори даражадаги хизмат ва меҳмондўстлики ҳам алоҳида қадрлаш керак. Бу, албатта, бутун ўзбек халқининг меҳр-оқибати кўзгусидир.

Юртингизда мен кўрган ҳамма нарса хайратланарли. Бир неча кун ичида кўп жойларда бўлдим ва Ўзбекистонга таширф буюришни режалаштираётган сайёҳлар учун бу мамлакат жуда жозиба-ли, деган хулосага келдим.



Кузатувчи сифатида Самарқанд, Бухоро вилоятларида ва Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларида бўлдим.

Қайд этишни истардимки, барча сайлов участкаларининг ўзига хос муҳити бор, бир-биридан фарқ қилади, лекин айти пайтда уларни бир жиҳат — муносиб ташкилий савия бирлаштиради.

Сайлов куни ҳам сайлов участкаларида бўлиб, одамлар овоз беришга онгли равишда келганини, овоз бериш жараёнида фаол иштирок этганини кўрдик.

Президент сайловида ёшларнинг фаол иштирокини ҳам кузатдик. Кўпчилик йигит-қизлар сайловда илк бор иштирок этаётганига гувоҳ бўлдик. Биз уларнинг юз-қўзида ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббат ва юксак ишончни кўрдик.

Сайловда ёшлар иштирокига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, бу ёшларнинг барчаси Президент сайловидек муҳим жараёнда фаол иштирок этиш истагида экани кўриниб турарди.

Умуман олганда, халқро кузатувчи сифатида Ўзбекистондаги Президент сайловига юқори даражадаги тайёргарлиқни қайд этишим мумкин. Ишонч билан айта оламаники, мен борган ҳар бир сайлов участкаси халқро стандартларга мос равишда тайёрланган, бу ерда ҳар бир фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиши ва сайлаш учун барча шароит яратилган.



QR-код орқали видеога ўтинг.

Бошланиши 1-бетда

Сирдарё вилояти ҳокими, сенатор Акмалжон Маҳмудалиев Гулистон шаҳридаги 15-сайлов участкасида оила аъзолари билан келиб овоз берди. Шундан сўнг вилоят ҳокими сайлов участкасида нуронийлар, жамоатчилик вакиллари ва илк марта овоз бераётган ёшлар билан сайлов жараёнлари ҳақида суҳбатлашди.

— Муносиб номзодга овоз бериш келгусида мамлакатимиз тараққиёти, жамиятимизда демократик тамойилларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз, — деди вилоят раҳбари. — Бунини масъулиятни чуқур ҳис этиб, сайловда уюшқоқлик билан қатнашаётган юртдошларимиз кайфиятидан ҳам англаш мумкин.

Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов Навоий шаҳридаги 6-сайлов участкасида таширф буюриб, ўзи муносиб деб билган номзодга овоз берди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юртимизда энг муҳим сиёсий тadbир бўлиб, эртанги кунимизни, мамлакатимиз ривожига ва халқимиз фаровонлигини белгилаб беради. Қолаверса, ушбу тadbирда ҳар бир фуқаромиз фаол иштирок этиб, ўз ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ўзи муносиб деб билган номзодни қўллаб-қувватлаши керак, — деди Н.Турсунов.

Бухоро шаҳридаги 22-ИДУМ биносидан ташкил этилган 45-сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Олмалик шаҳридаги 5-сайлов участкасида овоз берди.

— Мен ҳам бугун халқ вакили сифатида ўзимнинг сиёсий ҳуқуқларимдан фойдаланиб, ўзим танлаган номзодга овоз бердим, — деди А.Хусейнова. — Овоз берган номзодим она юртим Ўзбекистонни янада ривожлантиришига ишонаман.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Қувондиқ Санокўлов Навоий шаҳридаги 5-сайлов участкасида овоз берди.

— Бугун мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён бўлиб ўтмоқда. Юртдошларимиз ўз сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиб, ўзлари муносиб деб ҳисоблаган номзодга овоз бермоқда, — дейди Қ.Санокўлов. — Бундан кўринадики, улар юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига бефарқ эмас.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин домла

Холиқназаров Тошкент шаҳри Яккасарой туманида жойлашган 576-сайлов участкасида келиб, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашди. Шундан сўнг муфтий ҳазратлари ушбу участка мутасаддилари, нуронийлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбат қуриб, овоз бериш жараёнлари муваффақиятли ўтишини тилади.

— Аллоҳ таолога шукри, бугун тарихий воқеада иштирок этиш бахтига муяссар бўлдик. У ҳам бўлса, Ўзбекистон Президентлигига муносиб номзодга овоз бериш кунидир. Мен ҳам мана шундай бир юртининг фуқароси сифатида, диёрини севувчи мусулмон ўлароқ овоз беришда иштирок этмоқдаман. Шундай экан, биз ҳам муносиб номзодга яхши ният ила овоз бердик. Ҳар бир мўмин-мусулмоннинг яхши ният ила муносиб номзодга овоз бериши яхшилик йўлидаги ҳамкорлигидир. Сўнги йиллардаги диний-маърифий соҳадаги улкан ўзгаришлар ва хайрли ислохотлар натижасида янги масжид-мадрасаларнинг очилиши, мўмин-мусулмонларга кенг имкониятлар берилиши Аллоҳ таолонинг юртимизга берган улур неъматлари бўлди. Бугунги сайловларда мўмин-мусулмонларимизда келажакка бўлган ишонч ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси янада ортганини яққол кўриш мумкин, — деди муфтий ҳазратлари.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева Яккасарой туманидаги 576-сайлов участкасида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов оила аъзолари билан биргаликда Тошкент шаҳридаги 520-сайлов участкасида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Ф.Эрманов Нукус шаҳридаги 83-сайлов участкасида, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов Самарқанд шаҳридаги 42-умумий ўрта таълим мактабида жойлашган 144-сайлов участкасида, Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов Бухоро шаҳридаги 49-сайлов участкасида, Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳри Шодибёна маҳалласидаги “Ишга марҳамат” мономарказида ташкил этилган 88-сайлов участкасида, Қашқадарё вилояти ҳокими М.Азимов Қарши шаҳридаги 4-сайлов участкасида, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзеев Нурафшон шаҳридаги 7-сайлов участкасида овоз берди.

ЎЗА

ХАЛҚИНГИЗ ЎЗИ ИСТАГАН
НОМЗОДГА КЎТАРИНКИ
КАЙФИЯТДА ОВОЗ БЕРДИ

Пандей Санжай КУМАР,
халқро кузатувчи (Ҳиндистон):

— Мен сиёсий жараёнларда кўп иштирок этганман. Жўмладан, Президент сайловларида кузатувчи сифатида қатнашганман. Бу каби сиёсий жараёнлар натижаси ҳар қандай давлат ривожланиши ва аҳолининг ҳаётда муносиб яшашини таъминлаши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатингизда бўлиб ўтган Президент сайловини кузатиб бораётган эканмиз, бизни, айниқса, муҳим сиёсий жараёнга тайёргарлик, сайлов куни фуқароларнинг фаоллиги, сайлов участкаларидаги

байрамона кайфият хурсанд қилди. Халқингиз ўзи истаган номзодга кўтаринки кайфиятда овоз берди.

Қайси сайлов участкасида борманг, соя-салқин жойлар қилинган, сайловчилар учун қўлай шароитлар яратилган. Овоз бериш учун ёши улур инсонларнинг ҳам келгани, ота-оналар фарзандларини қўлидан етаклаб, худди байрамга боргандек сайлов участкасида келиб овоз берганини кўриб, очиги, ҳайратим ошди.

ҲЕЧ БИР ТАШКИЛИЙ ИШ
ЭЪТИБОРИМИЗДАН
ЧЕТДА ҚОЛГНИ ИҲҚ

Жакип АСАНОВ,
халқро кузатувчи (Қозоғистон):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида МДҲга аъзо давлатлар парламентлари вакилларидан иборат кузатувчилар гуруҳи ҳам иштирок этмоқда. Бу ерда биринчи кун ишлаётганимиз йўқ. Бунга қадар Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг халқро меъёрлардаги демократик талабларга қанчалик мос эканини ўргандик. Бу борада ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишладик.

Бундан ташқари, муддатидан илгари овоз бериш жараёнларини ҳам кузатдик. Тан олиш керак, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов

участкаларида катта ташкилий ишларни амалга оширганнинг гувоҳи бўлдик.

Сайлов куни эрта тонгдан сайлов участкаларида бўлиб, сиёсий жараённи бевосита кузатиб бордик. Ҳеч бир ташкилий иш эътиборимиздан четда қолгани йўқ. Сайлов қўтиллари шайлиги, яширин овоз бериш учун етарли кабиналар ҳозирланганига ҳам эътибор қаратдик.

Ишонамизки, халқингиз бугунги ва яқин истиқболдаги ҳаёти фаровонлиги, мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сиёсий қарорини қабул қилди.

ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ЎЗБЕКИСТОНДА
ДЕМОКРАТИЯ САРИ ТАШЛАНГАН КАТТА ҚАДАМ
Овоз бериш жараёни халқро кузатувчилар нигоҳида

Бошланиши 1-бетда



Азҳар Бин АЗИЗАН,
Вакиллар палатасининг собиқ спикери ва
Малайзия сайлов комиссиясининг собиқ раиси:

— Ўзбекистонда муҳим демократик жараён — менга берилган Президент сайловини кузатишда шараф учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бу менинг мамлакатингизга биринчи таширфим, жуда кўп таассурот ортирдим. Ўз вазирамга келсак, айтишим мумкинки, овоз бериш жараёни муаммосиз ўтмоқда. Мен миллий сайлов қонунчили-

ги ва халқро демократик меъёрларга номувофиқлик ҳолатларини кузатмадим.

Сайлов участкаларида фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун барча шароит яратилган. Ўзбекистоннинг Марказий сайлов комиссиясини ушбу сайлов яхши ташкил этилгани билан табриклайман.



Эндрю ЛАМБЕРТ,
“Электрон медиа хизматлар”
компанияси мутахассиси
(Буюк Британия):

— Ўзбек халқи учун муҳим бўлган Президент сайловидек ўта муҳим жараёнда юртингизда бўлиш мен учун катта шараф. Шунинг билан ўтишим кераки, бу сиёсий тadbирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юқори савияда ташкил этилган. Овоз бериш жараёнини кузатишда иштирок этаётган халқро экспертлар сон жиҳатдан қўпчилиги ва улар учун ҳам қўлай шароитлар яратилганини алоҳида қайд этишим лозим.

Ушбу жараёнда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси астойдил, гайрат ва катта масъулият билан ўз мамлакатини истиқболни қўлаб бевосита иштирок этаётганига эътибор қаратдим.

Шнайдер Ярон МОШЕ,
12-телеканал муҳбири (Исроил):

— Ўзбекистон Президенти сайловида иккинчи мартаба халқро кузатувчи сифатида иштирок этаётиман.

Журналист сифатида кўпроқ сайловчилар фикри билан қизиқар эканман, шунга амин бўлдимки, фуқаролар бу сиёсий жараёнга яна бир ижобий ўсиш сари ташланган қадам, деб қарамоқда ва бунга амин бўлмоқда. Аҳолининг сиёсий жараёнларга қизиқиши тобора ортиб бораётгани ва унинг фаол иштирокчисига айланишга интилаётгани, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқлари изчил ҳимоя қилинаётганидан далолат беради.

Ушбу сайлов жараёнининг ташкил этилиши халқро талабларга мос келади, дейиш мумкин.



Муса АЛМАМЕДОВ,
журналист
(Озарбайжон):

— Мен Ўзбекистонга Президент сайловини ёритиш учун халқро журналист сифатида келганман. Мана, икки кундан бери Ўзбекистонда бўлиб, сайловга тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишдим. Айтишим кераки, мен юқори даражадаги тайёргарлик ва аҳоли фаоллигини кўрмоқдаман.

Сайлов комиссиялари аъзолари аниқ ва пухта ишлаётир, чунки эрталабдан оқ сайловчиларнинг катта оқими кузатилмоқда. Овоз бериш жараёнини кузатаётган халқро кузатувчилар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Ўйлайманки, ушбу сайловлар — Ўзбекистонда демократия сари қўйилган катта қадамдир.

Казис СТАРКЕВИЧУС,
Литва парламенти
аъзоси:

— Мен Ўзбекистонга жума куни кечқурун етиб келдим ва фақат гўзал пойтахтингиз — Тошкентни кўришга муваффақ бўлдим. Лекин шу вақт ичида бир қанча сайлов участкалари иши билан танишиб чиқдим. Ҳамма жойда одамлар фаол овоз бермоқда ва улар қўпинча миллий либосларда келаяпти. Менимча, бу ҳам маълум бир муҳит яратади ва тadbирни янада оммабоп қилади.

Бундан ташқари, сайловчилар иштироки соат 11:00 гача 30 фоиздан ошгани ва бу жуда яхши кўрсаткич эканига алоҳида эътиборни жалб қилмоқчиман. Ишончим комилки, бугун кечқурун биз янги Президент номини билиб оламиз.

Сайлов участкалари ҳақида шунинг қўшимча қилмоқчиманки, у ерда одамларнинг овоз бериши учун барча шароитлар яратилган, рўйхатлар тартибли, рақамли тизим ишламоқда, рўйхатта олинган сайловчилар сони 2-3 минг кишидан ошмайди.



Холид Таймур АКРАМ,
Покистон тадқиқот марказининг ижрочи директори:



— Мен Ўзбекистонда ўтказилган бир неча сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Биласизми, ҳар сафар ўзбеклар юртига келганида икки жиҳатнинг гувоҳи бўламан. Биринчиси, янги Ўзбекистондаги янги ривожланишлар бўлса,

иккинчиси, сайловлар ташкил этилишининг сифат жиҳатидан янада такомиллашиб, демократлашиб бораётганидир.

Бу галги Ўзбекистон Президенти сайловида овоз бериш жараёни юзасидан шунинг таъкидлашни истардимки, биз бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, уларнинг барчасида овоз бериш учун шароитлар рисоладагидек ташкил этилганига бевосита гувоҳ бўлдик. Масъул ходимлар у ерда фаол ва сидқидилдан ишламоқда. Барча сайлов участкаларида сайлов жараёни шаффоф ўтмоқда.

Сайловчилар билан суҳбатлашдим ва мамлакат фуқароларининг овоз беришга катта масъулият билан қараётганидан мамнун бўлдим. Айниқса, ёш авлоднинг кенг иштироки бу нафақат ижобий амалиёт, балки ўз мамлакатининг келажиги учун бефарқ эмаслигини кўрсатади.

Жаҳонгир АЛАМ,
Бангладеш Сайлов комиссияси
котиби:



— Сайлов участкаларига борганимизда аҳолининг ушбу муҳим сиёсий тadbирда фаол иштирок этгани гувоҳи бўлдим. Шунингдек, овоз бериш жараёнини ташкил этишда барча қўлай шароитлар яратилганини кўрдим.

Шу билан бирга, сайловчилар билан суҳбатлашшга ҳам муваффақ бўлдим. Кишини таъминланганлигидан жиҳат шундаки, фуқаролар бу сиёсий жараён ўз келажакларининг ёрқинлигига хизмат қилишини тушунган ҳолда овоз бераётганини ҳис этдим.

Асқар ШАКИРОВ,
Қозоғистон Сенатининг
халқро муносабатлар,
мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси:

— Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги саккизта сайлов участкасида бўлдик. Биринчи навбатда, Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг юқори даражада ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Биз борган барча сайлов участкаларида овоз беришга юқори даражада тайёргарлик қўрилган, деярли барча сайлов участкалари сайловни ўтказиш учун зарур материаллар ва атрибутлар билан таъминланган.

Сайлов участкаларида Президентликка номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари, сайловчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар тақдим этилмоқда. Овоз бериш жараёнини кузатишда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва халқро кузатувчилар учун қўлай шароитлар яратилган.



Айрим сайлов участкаларида электрон рўйхатга олиш тизими йўлга қўйилган, бу эса мамлакатингизда рақамли технологияларнинг сайлов жараёнига интеграцияланганидан далолат беради.

Қувонарлики, алоҳида эҳтиёжли сайловчилар учун зарур чора-тadbирлар инobatта олинган: сайлов участкалари Брайль алифбосида кўрсатилган маълумотлар билан жиҳозланган, имконияти чекланган фуқаролар учун махсус кабиналар ўрнатил-

ган. Сайловчиларнинг яшаш жойига бориб овоз бериш жараёнини ўтказиш ҳам юқори даражада ташкил этилди. Бу электратни қамраб олиш, барча тоифадаги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш нуктаи назаридан жуда муҳим.

Фуқароларнинг фаоллиги юқори, биз борган участкаларда маҳаллий вақт билан соат 10-11 га келиб, сайловчиларнинг овоз бериши 30 фоиздан ошди. Бу халқнинг юксак сиёсий фаоллигидан далолат беради. Президент сайлови, аслида, тарихий воқеа бўлиб, халқ Ўзбекистон олдида қўйган катта вазифаларни амалга оширадиган давлат раҳбарини танлайди.

Ўзбекистон айти пайтда халқро майдонда муносиб ўрин эгаллайди. Унинг бозор иқтисодиёти жадал ривожланмоқда.

Биз Қозоғистонда стратегик ҳамкоримиз ва қардош давлат Ўзбекистоннинг муваффақиятларидан жуда хурсандмиз. Мамлакатларимиз Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

“Дунё” АА



TRANСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

КЕЛАЖАКНИ
ЯҚИНЛАШТИРАЁТГАН ЙЎЛЛАР

Шу йилнинг 9 июнь куни “Zhejiang union of railway logistics” компанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Қирғиз темир йўли” давлат корхонаси ҳамкорлигида Хитойнинг Ланчжоу станциясидан Тошкентга 30 та контейнердан иборат илк блок поезд йўлга тушди. Таркибида умумий қиймати 2,5 миллион долларни ташкил этувчи қуёш панеллари, механик жиҳозлар, мато ва бошқа юклар бўлган поезд пойтахтимизга 15 кунда етиб келиши белгиланди.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи



Янги транспорт йўлаги очилиши билан Хитой портлари ва бошқа вилоятларидаги юклар темир йўл орқали Шинжон-Уйғур автоном туманидаги Қашгар терминалига етказиб берилди. Бу ерда юклар автомобилларга юкланиб, Қирғизистон ҳудудидан ўтадиган йўллар орқали Андижонга келтирилади. Ундан кейин уларни яна темир йўл ёрдамида Ўзбекистоннинг исталган манзилига етказиш мумкин бўлади. Мазкур лойиҳа Сиан шаҳрида бўлиб ўтган Хитой — Марказий Осиё саммити доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида йўлга қўйилди.

Жорий йил 18 майда Сиан шаҳрида Хитой Тарақиёт ва ислохотлар давлат қўмитаси, Қирғизистон Транспорт ва коммуникациялар вазирлиги, Ўзбекистон Транспорт вазирлиги ўртасида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича кейинги босқичларни назарда тутувчи уч томонлама ҳужжат имзоланган эди.

— Хитой темир йўл қурилиш корпорациясининг биринчи лойиҳа-тадқиқот институти Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилишининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни мuddатидан қарийб бир ярим ой олдин якунлади, — дейди Ўзбекистон транспорт вазири Илҳом Маҳамов. — Имзоланган ҳужжат лойиҳани амалга оширишнинг кейинги босқичларини белгилаб, қурилиш режасини ишлаб чиқиш, инвестиция, молиялаштириш моделини ўрганиш ва аниқлашни ўз ичига олган “йўл харитаси” ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Хитой томони янги транспорт йўлаги қурилишини жадаллаштириш, бу йўналишда темир йўл контейнер ташувларини ривожлантириш, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль йўлининг узлуқсиз ишлашини таъминлаш ва юк ташини ҳажмини оширишга тайёригларини билдирди.

Лойиҳа доирасида Жалолобод — Макмал — Арпа — Торугарт — Қашгар қўшма йўналиши бўйлаб автомобиль йўли қуриш ҳам режалаштирилган. Қирғизистон орқали ўтадиган бу йўл Ўзбекистонга қўшимча 5 миллион тонна транзит юк ташини имконини бериши кутилмоқда.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг умумий узунлиги 454 километрни ташкил этади. Шундан 280 километри Қирғизистон ҳудудидан ўтиши режалаштирилган. Линияда жами 18 та станция, узунлиги 26,1 километр бўлган 81 та катта ва ўрта кўприк, 120,39 километрни 41 та туннель қурилади.

Хитой Ғарбий ҳудудларни ривожлантириш дастури доирасида темир йўл барпо этиш лойиҳаларини фаол жорий этишга ва айни кунда пўлат излар қарийб Қирғизистон чегарасигача тортиб келинган.

Ўзбекистонда ҳам бу масалалар йўла ҳал этилган, айни пайтда барча темир йўл йўналишларини электрлаштиришни нийҳосига етказиш устида иш олиб бориляпти.

Тадқиқотчилар фикрича, ётқизиладиган темир йўл изларининг кенглиги бўйича масала ҳам ҳал қилинган. Гап шундаки, Ўзбекистон ва Қирғизистондаги темир йўл излари кенглиги ҳудди собиқ иттифок республикаларидаги каби 1520 миллиметрни ташкил этган бир пайтда Хитой 1435 миллиметрни (Европадаги каби) тор темир йўл изларидан фойдаланиб келади. Муҳокамалар натижасида гиндиракларнинг Қирғизистон чегарасига қиришда эмас, балки қирғиз-ўзбек чегараси ҳудудида алмаштирилиши кўзда тутилляпти. Бу жараён икки темир йўл излари туташадиган юк ташини-тушириш станциясида амалга оширилиши мумкин.

Лойиҳа Шарқий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига бўлган йўлни тахминан 900 километрга, юк етказиб бериш мuddатини эса 7-8 суткага камайтиради. Дастлабки тахминларга кўра, юк ташини ҳажми йилга 12-15 миллион тонна атрофида бўлади.

Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси, Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров ўтган йил декабрь ойи бошида лойиҳа қиймати 6 миллиард долларга баҳоланганини таъкидлаган эди. Энди эса унинг тахминий қиймати 3-5 миллиард доллар бўлиши айтилмоқда.

Сийасатшунос Наргиза Умарованинг қайд этишича, Хитой билан боғловчи темир йўлга

кўп урғу берилаётганига сабаб шуки, бунинг ортдан Ўзбекистоннинг транспорт логистикаси борасидаги ўрни кескин ўзгаради. Яъни Ўзбекистон марказий нуктага айланади. Қирғизистон йўлаги ишга тушса, трансквакз йўналиши билан боғланади ва бунда Ўзбекистон боғловчи бўлади. Бундан ташқари, йўлакни Жанубий Осиё (Покистон) томон буриш ҳам мумкин. Ўзбекистон бу борада чорраҳа бўлади.

TRANСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИНИНГ
ИМКОНЯТИ

Жаҳон банки маълумотларига кўра, пандемия арафасида дунё транспорт хизматларининг ялли ички маҳсулот таркибидаги миқдори 4,3 триллион доллар (6,9 фоиз) деб баҳоланиб, йилга 110 миллиард тонна юк ва 1 триллиондан ортиқ йўловчи ташилган, транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 миллион кишини ташкил этган. Коронавирус пандемияси ва дунёда давом этаётган турли можаролар туфайли бу кўрсаткич анча пасайиб кетди. Халқаро транспорт тузилмаси кейин-



ги пайтга келиб, ўз қаддини аста-секин тиклай бошлайди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети докторанти Аббос Бохонов ва қирғизистонлик тадқиқотчи, сиёсий фанлар номзоди Наргиза Мураталиеванинг таҳлилларига кўра, Евроосиё ҳудудида учта асосий йўлак мавжуд. Унинг шимолий ва жанубий йўналишлари кейинги йилларда минтақада рўй берган зиддиятлар туфайли жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Марказий Осиё йўлагига ҳозир энг мақбўл, хавфсиз йўналиш сифатида қаралмоқда. Шу боис, ХХР ушбу лойиҳани амалга оширишга катта эътибор қаратиб, уни истиқболли ва манфаатли деб ҳисоблайди. “Бир макон — бир йўл” ташаббуси асосида юзага келаётган янги йўл жуда кўп муаммоларни ҳал этишда асқотади. Бундан ташқари, узунлиги 5 минг 470 километрни ташкил этадиган янги темир йўл магистрала бошқа йўналишларга қараганда анча қисқа бўлади: ХХР — Мўғулистон — Россия — Беларусь — Европа Иттифоқи (8 минг 650 километр), ХХР — Қозоғистон — Каспий денгизи — Озарбайжон — Грузия — Туркия — ЕИ (9 минг 120 километр), ХХР — Қозоғистон — Туркменистон — Эрон — Туркия — ЕИ (10 минг 170 километр), ХХР — ЕИ денгиз йўли (10 минг километрдан ортиқ).

Минтақадаги барча мамлакатлар билан чегарадош бўлган Ўзбекистон наинки қўшни, балки Шарқий Осиёни Жанубий Осиё, Яқин Шарқни Кавказ ва ундан кейин Европа билан транспорт тармоғи орқали бирлаштириш салоҳиятига эга. Қолаверса, Ўзбекистон узининг ички ва ташқи транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида 2 минг 400 километрдан ортиқ янги темир йўл қурилди, мавжуд-

ларининг 3 минг километрдан зиёди электрлаштирилди, 1 минг 100 километр қисми қайта тикланди. Охириги уч йилда автомобилда халқаро юк ташинишда маҳаллий корхоналар улуши 60 фоиздан ортиди, 1 минг 500 километрдан зиёд автомобиль йўли қурилди.

Мамлакатимизда саноат, тадбиркорлик тобора ривожланиб, экспортёрлар сони ортиб борапти. Хусусан, Статистика агентлигининг 2023 йил январь-май ойларидаги ташқи савдо бўйича дастлабки маълумотларига асосан, Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 25,8 миллиард долларга етди ва 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 миллиард долларга ёки 25,4 фоиз ошди.

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, маҳсулотни етказиб бериш ҳам шунчалик аҳамиятли. Айниқса, ҳозир дунёда логис-

БМТнинг Савдо ва тарақиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) мутахассислари маълумотига эътибор қаратсак, Марказий Осиё мамлакатлари учун транспорт харажатлари кўпинча импорт қилинадиган товарлар қийматининг 70-80 фоизига етади. Бу эса сўнгги пайтларда Марказий Осиё давлатларига халқаро аҳамиятга молик бўлган транспорт имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришга туртки бермоқда. Қолаверса, божхона тартиб-таомилларининг мукамал эмаслиги оқибатида юк ташувчилар товарларни етказиб беришга кетадиган вақтнинг 40 фоизгача бўлган қисмини беҳуда йўқотмоқда.

Жаҳон банкининг логистика соҳасидаги самарадорлик индексига кўра, Марказий Осиё



тика муаммолари авжига чиққан вазиятда бу ўта долзарб ҳисобланади.

Дунёда юк ташини харажатлари ошганини инобатга олиб, Европага тайёр маҳсулотлар экспорт қилувчи корхоналарга транспорт харажатлари учун субсидия миқдори 50 фоиздан 70 фоизга оширилди. Чунки транспортда юк ташини таннархи паст бўлса, ҳам экспорт, ҳам инвестиция кўпаяди.

Буни ўтган йил декабрь ойида Сергели логистика марказидан Европага йўл олган Ўзбекистоннинг илк поезди мисолида кузатиш мумкин.

мамлакатлари 167 давлат орасида қуйи ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Мамлакатимиз учун транспорт йўлакларини диверсификация қилиш, жаҳон бозорларига тез ва эркин чиқиш жуда муҳим, — дейди Илҳом Маҳамов. — Шу боис, Ўзбекистон халқаро анкуманларда бу масалани доим кўтариб, амалий ташаббусларни илгари сурмоқда. Қўшни ва манфаатдор мамлакатлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар жадаллаштирилмоқда.

Эътиборга молик жиҳати, кейинги даврда барча даражадаги мулоқотлар фаоллашди, амалий, ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасида муҳим қадмалар ташланди. 2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилингани эса минтақавий ҳамкорлиқни янги босқичга кўтарувчи тарихий воқеа бўлди.

Бундан олти йил муқаддам мамлакатимизнинг 2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташинининг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш бўйича комплекс дастури қабул қилинган эди. Унда Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой халқаро транспорт йўлакларини, шунингдек, Эрон (Бандар Аббос, Чоҳаҳор) ва Покистон (Гвадар, Карачи) денгиз портларига чиқиш учун трансакцион транспорт йўлагини қуриш бўйича эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ қилишга алоҳида аҳамият қаратилди. Бу борада дастлабки ишлар ҳам бошлаб юборилган. Ушбу йўналишнинг узунлиги 765 километрни ташкил этади. Бу трассани аниқлаш жараёнида топографик космик тасвирлардан фойдаланиб, биринчи ёндашувдаги техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар чиқарилган.

Трансафгон темир йўли Россия — Қозоғистон — Ўзбекистон — Афғонистонни Покистон — Ҳиндистон портларига олиб чиқишда муқобил йўлакка айланиб, айни пайтда фаолият қурсатаётган Шимол — Жануб йўлагига нисбатан 500-600 километр қисқароқ ҳисобланади.

Покистон Ўзбекистон учун жуда улкан бозор. Шунингдек, бу мамлакат юртимизга Карачи, Қосим ва Гвадар денгиз портлари орқали Яқин Шарқ, Африка давлатлари, Ҳиндистон бозорларига чиқиш имкониятини беради.



“ МАМЛАКАТИМИЗДА САНОАТ, ТАДБИРКОРЛИК ТОВАРА РИВОЖЛАНИБ, ЭКСПОРТЁРЛАР СОНИ ОРТИБ БОРАЯПТИ. ХУСУСАН, СТАТИСТИКА АГЕНТЛИГИНИНГ 2023 ЙИЛ ЯНВАРЬ-МАЙ ОЙЛАРИДАГИ ТАШҚИ САВДО БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАРИГА АСОСАН, ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ 25,8 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТДИ ВА 2022 ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 5,2 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЁКИ 25,4 ФОИЗ ОШДИ.

Экспертлар таҳлилича, Мозори Шариф — Қобул — Пешовар темир йўли қурилиши биринчи босқичда Ўзбекистонга юк ташиниш 35 кун эмас, 3-5 кун давом этиши, битта стандарт юк контейнерини ташини нархи қарийб уч баробар арзонлашиши, ушбу йўналиш бўйича юк ташини ҳажми 10 миллион тоннага етиши мумкин.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, Покистондан Ўзбекистонга юк ташиниш 35 кун эмас, 3-5 кун давом этиши, битта стандарт юк контейнерини ташини нархи қарийб уч баробар арзонлашиши, ушбу йўналиш бўйича юк ташини ҳажми 10 миллион тоннага етиши мумкин.

Мазкур йўналишнинг имкониятлари фақат шу билан чекланмайдиган. Шу йилнинг 12 январь куни бўлиб ўтган “Глобал Жануб овози” онлайн саммитида эътироф этилгандек, мамлакатимиз Маркази ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган, Афғонистон орқали Ҳинд океанига чиқадиган темир йўлни қуриш лойиҳасини фаол илгари сурмоқда. Бу борада Эроннинг Чоҳаҳор порти орқали ўтадиган йўналиш катта истиқбол олади. Бу порт орқали юкларни транзит қилишни Тошкент — Мари — Машҳад — Бафқ — Чоҳаҳор йўналиши бўйича амалга ошириш ва кейин денгиз транспорти орқали Жануби-шарқий Осиё ва Форс кўрфазини мамлакатларига етказиб бериш мумкин. Унинг йиллик юк ташини салоҳияти 10 миллион тоннага етади, деб баҳоланмоқда.

Мутахассислар фикрича, Чоҳаҳор порти орқали ўтадиган савдо йўли товарларни экспорт қилиш харажатини 60 фоиз ҳамда Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида махсулот етказиб бериш мuddатини 50 фоиз қисқартириш имконини беради. Натижада товарларнинг рақобатбардошлиги ошади.

Мавзуга доир яна бир тадбир 2022 йилнинг 3 декабрь куни Тошкент марказий темир йўл вокзалида рўй берган эди. У Туркия — Эрон — Туркменистон — Ўзбекистон янги темир йўл йўналиши очилишига бағишлаб ўтказилди. Тадбирда дастлаб Туркиядан Ўзбекистонга қараб йўлга чиққан биринчи юк поездини кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Туркия томони билан ҳамкорликда Гумрух станциясидан Тошкент шаҳрига юкларни ташини йўналишини ишлаб чиқди. 40 та вагондан иборат поезд Туркия, Эрон, Туркменистон бўйлаб ҳаракатланиб, Ўзбекистонга етиб келди.

Жорий йилнинг 26 июнь куни яна бир хабар эътиборни тортди. Хитойнинг Сямин портидан Ўзбекистонга биринчи контейнер поезди харакаати йўлга қўйилди. “Ўзтемирийўлконтейнер” АЖ томонидан маълум қилинишича, таркибида маиший техника юки (музлаткич, кир ювиш машинаси, газ плитаси) бўлган контейнерлар Хитойдан денгиз орқали Эроннинг Бандар Аббос портига келтирилади. Сўнгра юклар темир йўл орқали Туркменистонга, у ердан Тошкентнинг Сергели станциясига етказилади.

ШҲТ доирасида ҳам ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар ташкилотнинг кенг ҳудудида улкан транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилмоқда. Транспорт лойиҳалари орқали Ўзбекистон ўз ҳамкорлари билан биргаликда Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой, Мозори Шариф — Қобул — Пешовар, Ланчжоу — Қашгар — Иркештом — Ўш — Андижон — Тошкент — Мари ва ҳозирги геоиқтисодий вазиятда ўзига хос стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа транспорт йўлакларини ривожлантиришга қаратилган ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йил 4 июнь куни Ҳиндистонда бўлиб ўтган Санхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлисида ҳам Ўзбекистон томонидан ҳозирги вақтда Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб магистрал йўлларини ривожлантириш бўйича бир қатор стратегик лойиҳаларнинг фаол илгари суриляётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича амалий ишлар бошлангани, Ўзбекистон ушбу йўналиш бўйлаб, шунингдек, Афғонистон орқали Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ бозорларига олиб чиқадиган Эрон ва Покистон портлари томон мультимодал ташувларни ривожлантиришга эътибор қаратаётгани эътироф этилди.

Таҳлилчиларнинг маълумотига кўра, ушбу лойиҳаларни йўлга қўйиш юк ташини ҳажминини бир неча марта ошириши баробарида транспорт харажатларини ундан бир қисмга камайтиради. Шунинг учун Ўзбекистон томони ШҲТ давлатларининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлигига доир ягона харитани ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бу мавжуд “тўсиқлар” ва “бўшлиқлар”ни аниқлаш, умумий, ўзаро интеграциялашган транспорт-транзит тизимини шакллантириш учун устувор чора-тадбирлар ва лойиҳаларни белгилаб олиш имконини беради.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Бутун дунёда экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга эътибор кучайган. Чунки бундай маҳсулотлар саломатлик учун фойдали микроэлементлар, озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Маълумотларга кўра, ҳозир дунёдаги 170 дан ортиқ давлатда 43 миллион гектардан зиёд майдонда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Дунёда ана шундай маҳсулотлар олди-сотдиси йилига 80 миллиард долларни ташкил этмоқда.

МИНТАҚАДАГИ ЯГОНА ИЛМҲИЙ МАРКАЗ

Ўзбекистонда ўсимликлар гени қандай асраб келинмоқда?

Ҳозир айни пишиқчилик палласи, бозорларимиз мева-чева, полиз маҳсулотларига тўла. Бу қувонarli ҳол, албатта. Лекин харид қилганда ақсариятимиз унинг қандай пишгани, кимёвий ўғит билан озиқлантирилгани ёки озиқлантирилмагани билан қизиқамиз. Бунинг ҳам сабаби бор. Айрим деҳқонларимиз ҳамон кимёвий ўғитларга суянганича қолмоқда. Улар кўпроқ минерал ўғит берсам, маҳсулот тезроқ ўсиб, тезроқ пишади, деб ўйлайди. Ваҳоланки, деҳқончиликни бизнесга айлантириш яхши эмас. Бунинг инсон саломатлиги ва ўсимликлар генига салбий таъсири катта. Демак, ҳамма нарсанинг меъёри бўлгани маъқул.

Шу жиҳатдан ўсимликларнинг генетик ресурсларини стратегик аҳамиятли ҳисоблаб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мустақам ҳамда ажралмас қисми, десак муболаға бўлмайди. Яъни генетик ресурсларни асраш ва сақлаш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, атроф-муҳит ва иқлим шароитининг кескин ўзгариши, бошқа омиллар генетик хилма-хилликка таъсир қилиши мумкин. Бу каби муаммоларни ҳал этишда генетик банклар (генбанк), бошқача айтганда, генофондларнинг аҳамияти беқисс.

Мутахассислар тартибни йўлга қўйилган генбанклар генетик хилма-хилликни яхши сақлаши ҳамда селекционерлар учун муҳим бошланғич манба сифатида хизмат қилишини таъкидлайди. Генбанклар фаолиятини тўри тартибга солиш ҳамда генетик хилма-хилликни сақлаб қолиш мақсадида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАОнинг 2013 йилда бўлиб ўтган ўн тўртинчи сессиясида умумлаштирилган стандартлар қабул қилинган. Мазкур стандартлар қатор жараёнларни тартибга солишчи қонун ва қондалар тўпламидан иборат бўлиб, ўсимликларнинг генетик хилма-хиллигини сақлаб қолиш учун хизмат қилади. Мазкур стандартлар универсал аҳамиятга эга бўлиб, бутун дунё миқёсида, турли минтақаларда жойлашган генбанклардаги гермоплазмани сақлаш учун умумий тартибларни белгилловчи мезонлардан иборат. Тавсия этилаётган стандартлар генбанкларда уруғларни сақлаш билан чекланиб қолмай, балки вегетатив кўпайтириладиган экин турларини дала генбанкларида сақлаш учун ҳам амал қилади.

Ушбу стандартлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бўйича халқаро келишувни таъминлашда ҳам муҳим асос ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда дунё генбанкларида сақланаётган 5,5 миллиондан ортиқ намуна инсоният учун муҳим ҳисобланган озиқ-овқат экинлари ҳамда чорвачиликда кенг қўлланиладиган ем-хашак ўсимлик турларидан иборат.

1992 йилда институтга Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтини номи берилди. 2020 йилдан эса бу ерда бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг моҳияти институт номига мос келмаслиги туфайли унинг номи ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтини деб ўзгартирилди.

Мазкур генофондларда қимматли экин турларининг яқин ўтмишда яратилган навларидан ташқари, узоқ ўтмишдан бери сақланаётган ҳамда экилиб келаётган ажодлари ҳам бўлиб, улар янгилаб келинмоқда. Мамлакатимизда ҳам олимларимизга янги фан ва илм йўналишлари ҳамда тадқиқотлар билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Шу мақсадда илгор фан ютуқларига асосланган билим платформалари вужудга келмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 майдаги "Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг миллий генбанкни яратиш тўғрисида"ги қарорига биноан, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти негизига Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Институтда мавжуд Генбанк эса миллий аҳамиятга эга, деяр тан олиниб, унга "Қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари Миллий Генбанк" мақоми берилди.

— Илм масканимиз Марказий Осиёдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг йирик дунёвий коллекциялари сақланаётган ягона илмий ташкилот ҳисобланади, — дейди Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти директори Сафар Алиқулов. — Жамоамиз олдига мазкур йўналишда бир қатор вазифалар қўйилган. Илмий экспедициялар уюштириш, интродукция этиш ва коллекцияларга жалб этилган ўсимлик материалларини карантин кўригидан ўтказиш орқали ўсимликларнинг Миллий гено-

фондини янги намуналар билан бойитиш, ўсимликлар генетик ресурслари жаҳон коллекцияларининг эски репродукция уруғлари унвчанлигини қайта тиклаш ва вегетатив кўпаяовчи ҳамда кўп йиллик ўсимликларни тирик ҳолда ушлаб туриш ва уларни Миллий Генбанкда қафолатли сақлаш, қишлоқ хўжалиги талабларига жавоб берувчи навлар яратиш учун муҳим хўжалик белгиларига эга бўлган маданий ўсимликлар ва уларнинг ёввойи ажодларини институт коллекцияларига жалб этиш, сақлаш, ҳужжатлаштириш ҳамда ундан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг эволюцияси, филогенияси, систематикаси, имунитети назарий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган фундаментал ва амалий изланишларни амалга ошириш, минтақамиз учун ноанъанавий экинлар ҳамда доривор ўсимликлар коллекцияларини ташкил қилиш, ўрганиб, уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш шулар жумласидан.

Қайд этиш керакки, юртимиз олимлари бу борада маълум тажриба ва билимга эга. Кейинги йили Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти фаолиятини бошлаганига 100 йил тўлади. 1992 йилда институтга Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти номи берилди. 2020 йилдан эса бу ерда бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг моҳияти институт номига мос келмаслиги туфайли унинг номи Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти деб ўзгартирилди.

Ўсимликлар генофонди нима?

Ҳар бир экиннинг маданий ва ёввойи ҳолда ўсуви турлари, кенжа турлари, шакллари, тизмалари, дуралгилари ҳамда навлари мавжуд. Бу илмий тилда генофонд дейилади.

Институтнинг Миллий Генбанкда сақланаётган ўсимликлар генетик ресурслари коллекциялари Марказий Осиёда энг йириги ҳисобланади. У ботаник, генетик, географик, экологик хилма-хилликка эга бўлган намуналарни ўз ичига олади. Булар мамлакатимиз мулки ва халқимизнинг миллий бойлиги саналади.

Кейинги йилларда глобал иқлим ўзгариши ва одамларни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш фондида қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари ва ундан самарали фойдаланишнинг аҳамияти янада кучайди. Яъни ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, гармсёлларнинг тез-тез қайтарилиши, сув танқислиги, шўрланган ерларнинг кенгайиши, касаллик ва зараркундаларнинг тез ва катта майдонларда тарқалиши ўсимликларнинг унвдорлигини пасайтириб юбрувчи омиллар бўлиб қолаётди. Бу селекционерлардан қишлоқ хўжалиги экинлари мажмуасини яхшилаш, такомиллаштириш ва янги шароитларга мослашган навлар яратиш ҳамда етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш талаб этмоқда. Янги навлар яратиш учун эса селекционер олимларни янги бирламчи материаллар билан

таъминлаш зарур. Ўсимликлар генофонди ва қишлоқ хўжалиги экинларининг жаҳон коллекциялари қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган бирламчи материаллар манбаи бўлиб, янги навлар яратишда муҳим роль ўйнайди.

— Айни шу мақсадда ҳар йили республикаимиз бўйича икки-учта илмий экспедиция ташкил этилиб, институтнинг қишлоқ хўжалиги экинлари генофонди турли хил экинларнинг ёввойи турлари, давр талабига мос, истиқболли янги навлар, тизим ва популяцияларига мансуб 50-60 та намуна билан бойитиб бориляпти, — дейди С.Алиқулов. — Шунингдек, дунёнинг йирик ўсимликлар генофондини сақловчи ташкилотлари билан гермаплазма алмашиши ишлари йўлга қўйилган. Республикаимиз ҳудудига турли касаллик ва зараркундалар кириб келишининг олдини олиш мақсадида институт кўчатзориди хориждан келтирилган турли қишлоқ хўжалиги экинлари намуналарини махсус текширувлардан ўтказилиб, асосий хўжалик белгилари бўйича бирламчи баҳоланади. Текширувдан ўтказилган барча намуналар ўсимликларнинг генетик ресурслари билан ишловчи бўлим ва лабораторияларга кейинги изланишлар учун берилади.

100 хил экиннинг 43 мингдан ортиқ намунаси бу — катта бойлик



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Институтда табиатда йўқолиб бораётган, ноёб, қадимий ва замонавий 100 хил навинг 43 мингдан ортиқ намуна мавжуд. Бу — жуда катта бойлик. Жумладан, бу ерда ғалла, дуккакли-дон, маккажўхори ва ёрма экинларининг 21 минг 969 та, техник экинларнинг 12 минг 68 та, сабзавот-полиз экинларининг 5 минг 755 та, мева-резаворлар ва узумнинг 3 минг 985 та коллекция намунаси ўрта мuddат шароитида сақланмоқда. Ботаник жиҳатдан коллекция намуналари 26 оила, 81 авлод ва 178 турга мансубдир.

Институтда бир йиллик қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари уруғ генбанкда, вегетатив кўпаяовчи ва кўп йиллик сабзавот, техник, мева-резавор экинлар ва узум дунёвий коллекцияси эса дала генбанкларида сақланмоқда.



Ноёб илмий объект

Ҳужжатлаштириш бўлимида эса ўсимликлар генетик ресурслари бўйича компьютер маълумотлар базасини яратиш борасида тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда институт уруғ генбанкда 63 хил қишлоқ хўжалиги экинларининг 34 минг 557 намунаси ўрта мuddатда сақланмоқда. Ўрта мuddатда коллекцион намуна уруғларини сақлаш шароити ташкил этилган. Яъни ҳаво ҳарорати доимий +4 даража ва ҳавонинг нисбий намлиги 35 фоизда ушлаб турилади. Бу жуда қулай муҳит. Чунки айнан шу шароитда коллекция намуналарини 15-20 йил давомида (экин турига қараб) сақлаш имконияти яратилади.

Коллекцион намуналарнинг уруғлари унвчанлигини қайта тиклаш мақсадида ҳар йили 50-55 турдаги қишлоқ хўжалиги экиннинг 4 мингдан ортиқ уруғ намуналари дала шароитида экиш йўли билан олинмоқда. Экишдан аввал ва кейинги агротехник тадбирлар ҳам шу минтақада қабул қилинган ҳамда услублар асосида ташкил этилмоқда.

Мевали экинлар коллекциялари намуналарини тирик ҳолда ушлаб туриш учун ҳам зарур агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Коллекцион боғларда санитар қирқиш, қатор ораларига ишлов бериш, суғориш ҳамда касаллик ва зараркундаларга қарши кураш ишлари олиб борилади.

Вегетатив кўпаяовчи ва кўп йиллик сабзавот, техник, мева-резавор экинлар ва узум дунёвий коллекцияси эса институт ҳудудида жойлашган (9 хил мевали экинлар ва узумнинг 2 минг 509 намунаси) ва институтнинг (8 ҳондаре илмий тажриба станциясида (8 хил мевали экинлар ва узумнинг 1 минг 688 намунаси) дала генбанклари (кўп йиллик вегетатив кўпаяовчи экинлар коллекция кўчатзорлари) шароитида сақланмоқда.

Институтда ҳар бир экин тури бўйича морфо-биологик, қимматли хўжалик белги ва хусусиятларини ўрганиш ишлари қабул қилинган талаблар ҳамда дескрипторлар асосида амалга оширилмоқда. Ҳар йили 20-25 экин турига мансуб 2000-2200 коллекция намунаси ҳар томонлама ўрганиш асосида баҳоланиб, тавсифнома берилади. Бу ҳар бир намунанинг ноёб қирраларини очиб беришга имкон яратиб, ундан келажакда илмий изланишларда фойдаланиш ёки селекция жараёнида янги юқори маҳсулдор ва юқори сифатли нав ҳамда дуралгиларни яратишда дастлабки манба сифатида фойдаланишга улкан замин яратади. Бу жараёнда тўпланган маълумотларни компьютер ахборот базасига кириштириш эвазига жамланган маълумотларни таҳлил этиш ва улардан самарали фойдаланиш мумкин.

ишлаб чиқаришига жорий этиш бўйича изланишлар олиб боришмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ноанъанавий экинлардан **стевиа, дайкон, сабзавот сояси, кук нухат, сарсабил повияси, топинамбур, батат, баргли қарам, тўнғизтароқ** каби экинлар жорий этилди.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари, уруғчилиги ва кўчатчилиги бўйича фермер хўжалиқлари ҳамда агрокластерларга илмий-услубий ёрдам кўрсатилиб, дала кўнлари ташкил этиляпти.

Турли мамлакатлар олимлари билан ҳар хил йўналишларда илмий алоқалар мавжуд. Улар сирасига Россиядаги ВИА, Италиядаги Bioversity International, Ливандаги ICARDA, Ҳиндистондаги ICIRSAT, Мексика ва Туркия ҳамкорлигидаги CIMMYT, Жанубий Кореядаги RDA ҳамда NIAB, Тайвандида AVRC каби халқаро ташкилот ва етакчи генбанклар кирази.

Бугунги кунда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида сифатли ва тўйимли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш муҳим масала сифатида кўтарилаётган экан, бу каби илмий масканларнинг аҳамияти ҳам ортиб бораверади. Зотан, уларда сақланаётган ўсимликлар фонди бебаҳо бойлиқдир.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



1994 йилда институтнинг Қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари Миллий Генбанк республикаимизнинг ноёб илмий объектлари рўйхатига киритилган. Унинг таркибиди Уруғшунослик лабораторияси ва Ҳужжатлаштириш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Уруғшунослик лабораториясида қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари коллекциялари намуналарини рўйхатга олиш, коллекция намуна уруғларини сақлашга қўйишдан аввал тозалаш, унвчанлиги ва намлигини аниқлаш, қуриштиш ҳамда қадоқлаш, уруғларни сақлашга қўйиш, режа асосида уруғлар мониторингини ўтказиш бўйича изланишлар олиб борилади.



У энг кучлилар қаторига қандай кўшилди?

Мамлакатимиз аҳолисининг 18 миллиондан ортиғи ёшлардан иборат. Уларнинг аксарияти бугун замонавий ахборот технологиялари йўналишига дадил кириб бормоқда. Хорижда тахсил олаётган ёки катта компания ходимига айланиб, яхшигина даромад топаётган йигит-қизларимиз ҳақида эшитганда, фахрланамиз. Айниқса, охириги йилларда жаҳон майдонидаги нуфузли FAANG (Facebook, Amazon, Apple, Netflix, Google) компанияларида фаолият юритаётган ўзбекистонлик дастурчи ёшлар сони кўпайишда давом этаётгани қувонарли. Ана шундай ватандошларимиздан бири Қудратилло Исмаилов шу йилнинг март ойида машҳур "Amazon" компаниясининг Берлиндаги офисида муҳандис-дастурчи сифатида иш бошлади.

Шундан кейин бирин-кетин турли дастурлар яратя бошладим. Бугунга қадар Android, iOS ва бошқа иловалар учун "backend"лар ёзганман. Гап шундаки, дастурлашнинг "frontend" ва "backend" қисмлари бўлади. "Frontend" фойдаланувчига кўриниб турадиган қисм бўлиб, унга веб-сайт, Android ёки iOS иловаларини мисол келтириш мумкин. "Backend" эса фойдаланувчига кўринмайдиган қисмдир. Уни сервер, ўзбекча айтганда, дастурий таъминот деб ҳам аташади. Маъноий маънода "frontend" ни даракнинг ер юзасидаги қисми деб олсак, "backend" унинг илдизидир.

Дастур яратиш ҳам стартап лойиҳа-нинг бир тури. Аниқроғи, бу лойиҳа ҳам ишлаб чиқариш жараёнидан то амалиёт-га жорий этишгача бўлган босқичларни ўзи ичига олади. Дастурий таъминотнинг ўзи эса компьютерда муайян вазифани бажариш учун ишлаб чиқилган восита. Яъни дастурий таъминот деганда, ҳисоблаш техникаси воситалари билан маълумотларни қайта ишлаш тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш учун қўлландиган дастурий ва ҳужжатли воситалар йиғиндиси тушунилади.

Шундай қилиб, мен яратган "backend"лар орасида турли йўналишдагилар, хусусан, "chat", "vegan" рецепт иловалари ҳам бор эди. Лекин энг муваффақиятли лойиҳаларимдан бири "MyUztelecom" иловаси учун ёзган серверим бўлган. Ҳозиргача ундан ойига "Ўзбектелеком"нинг миллионга яқин мижозси фойдаланади. Илова орқали фойдаланувчилар тарифларини алмаштириши, пакет ва хизматларга уланиши ёки ўчириши мумкин.

Маҳаллий компания дастурчилигидан "Amazon" гача

Ўз ишини яхши биладиган, тажрибали кадр дарҳол кўзга ташланади. Қудратилло ҳам "Ўзбектелеком" ак-

циядорлик компаниясида ишлаш да-вомида катта лойиҳалари билан эъти-борга тушди. Хатто "LinkedIn" онлайн хизматлар платформаси орқали унга



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

йирик хориж компанияларидан тақ-лифлар кела бошлади. Улар орасида "Bolt", "ERAM" сингари машҳур ком-паниялар ҳам бор эди. Ёш дастурчи эса масофавий ҳамкорликларга қарши бўлмаса-да, хорижга кетиб ишлашни унчалик истамасди. Аммо "Amazon"-дан олган таклифи унинг фикрини ўз-гартирди.

— Дастурчилик доимий ўқиб-ўр-ганиш, изланишни талаб қилади. Му-ваффақиятга эришиш учун тажриба катта аҳамиятга эга, — дейди Қуд-ратилло. — Айниқса, дунёда бу соҳа жадал ривожланиб, хатто давлатлар ўзларининг рақамли технологиялар борасидаги имкониятлари орқали етакчига айланётган даврда жаҳон тажрибасини ўрганиш ўта муҳим. Чун-ки яхши дастурчи бўлиш учун ўр-ганишнинг ўзи камлик қилади, уни иш

жараёнида такомиллаштириб бориш, катта майдонда қўллаш лозим. Кучли дастурчилар тажрибасини кўпроқ ўр-ганиш керак. Мен ҳам жаҳонга машҳур компанияда ишлаб, тажриба ошириш имкониятини қўлдан бой беришни ис-тамадим ва "Amazon" томонидан бер-илган таклифни қабул қилдим.

Бу ерда жуда катта жамоа — 1,5 миллиондан ортиқ киши ишлайди. Тасаввур қиляписи, улар орасида қанчадан-қанча тажрибали муҳандис-лар бор. Улар йиллар давомида тўп-ланган, сараланган. Боиси, компания кеча пайдо бўлиб қолмаган. Унга 1994 йилда Жефф Безос асос солган бўлса, ўшанда у фаолиятини онлайн китоб сотиш платформаси сифатида бош-

Катта тажриба майдони

Катта компанияда ишлаш завқли, албат-та. Қудратиллонинг бу муваффақиятидан ота-онаси, яқинлари ҳам жуда қувонди. Уни дуолар билан қузатди. Бир қарашда ҳам-маси оддийдек. Аммо қаҳрамонимиз тақ-лифнинг ўзи биланоқ катта жамоага қабул қилинмади. Аввалига бир неча босқичли синовлардан ўтди. Шундан сўнг компания у билан 4 йиллик шартнома имзолади. Аммо бу шув вақт давомида унинг иши қафолат-ланганини аниқламади. Ёш дастурчи иш давомида ҳам синовда бўлади. Қолаверса, Германияга ҳам илк бориши. Янги шартит-га мослашиб кетиш учун вақт керак. Лекин оиласининг ёнида экани ва ўз ишини севи-ши унга куч берди.

— "Amazon"нинг таклифини қабул қил-ганимдан сўнг аввал онлайн синовдан ўтдим, — дейди у. — Алгоритмга доир масалалар, ишга боғлиқ техник ва ахлоқ-ий тестлар берилди. Шундан 3 ҳафтадан сўнг тўғридан-тўғри ўтказиладиган охириги имтиҳонга тайёргарлик кўра бошладим. Вақт жуда оз эди. Шу вақт ичида FAANG (Facebook, Amazon, Apple, Netflix, Google) компаниялари савол-жавоблари қандай бўлишини ўзим учун кашф қилдим. Улар-да нафақат техник, балки тажрибадан келиб чиқиб жавоб бериладиган ахлоққа доир саволлар ҳам бўлар экан.

Охириги имтиҳон 4 та сўхбатдан иборат бўлди. Ҳар бири бир соатдан давом этиб, орада 15 дақиқа танаффус берилади. Тўшлик учун 45 дақиқа вақт ҳам ажра-тилади. Шу тариха деярли бир куннинг савол-жавоб билан ўтади. Сўхбатлар давомида мени "Amazon"да ишлайдиган дастурчи-муҳандислар имтиҳон қилди. Охириги имтиҳон натижалари 7-10 кунда айтилган, жамоа танлаш жараёни бош-ланди. Шундай қилиб, компания аъзосига айландим.

Бу ерда иш тартиби бошқачароқ. Ма-салан, биринчи 6 ойда ишдан бўшамоқчи бўлсам, 2 ҳафта олдин оголхлатиришни шарт. Биринчи 6 ойдан кейин эса огол-хлатириш мuddати 3 ой бўлади. Ком-пания ходимини бўшамоқчи бўлса ҳам худди шу талабга риоя қилади. Умуман, компаниянинг 16 та қатъий ахлоқ принци-пи бор. Ходимлар бу принципларни би-лиши ва уларга риоя қилиши жуда муҳим. Чунки барча муаммолар ана шу принци-плар доирасида ҳал этилади. Имтиҳонлар чоғида ўша ахлоқий принципларга уруғ берилгани боиси ҳам шунда.

Компанияда 5 иш куни белгиланган. Шундан 3 кун офисда бўлсам, 2 кун

онлайн ишлайман. Нафақат компанияда, балки Германияда ҳам янги таассурот-лар олялман. Балки бу ўшбу диёрга илк бор келганим билан боғлиқдир. Эътибор-имни тортаётган жиҳатлар талайгина. Масалан, Германияда дарактлар кўли-ги ва уларнинг ҳаммаси рақамланганини олайлик. Бу ерда усимликларга эътибор катталиги шундоқ сезилади. Дарактларга рақам ёпиштиришдан мақсад ҳам улар-ни ўз вақтида назорат қилиш, ҳар бири-ни текшириб, парваришладан иборат. Кесилган даракт ўрнига, албатта, янгиси экилади.

Шаҳар ичида яшил хиёбонлар кўп. У ерда одамларнинг дам олиши учун барча шароит яратилган. Уйингиз ёнидаги боқча чиқиб, таом пиширишингиз, турли спорт ўйинлари ўйнашингиз, майсалар устида тамадди қилишингиз мумкин. Фақат та-биятга зарар етказмаслик шарт билан. Бу немисларнинг қатъий қоида-сига айла-ниб улгурган. Мен ҳам ўшбу қоидага амал қилган ҳолда оилам билан тез-тез яшил паркларда сайр қилишни хуш кўраман.

Метрога кираверишда тўсиқлар ва чиптани текширадиган назоратчилар йўқ. Чиптани метро бекатларидаги автомат машина ёки илова орқали сотиб олиш мумкин. Камдан-кам ҳолларда назоратчи ходим чипта текшириб юради. Агар чип-тангиз йўқ бўлса, жарима тўлайсиз.

Германияда велосипедлар учун ҳам светофорлар ўрнатилган. Чунки бу ерда кўпчилик транспорт воситаси сифати-да оддий ва электрон велосипедлардан фойдаланади. Шаҳарда чанг кам экани ҳам эътиборимни тортди. Бу ерда пойаб-зал тез чанг бўлмайди.

Умуман, ана шундай керакли тажриба-ларни ўрганиш учун ҳам хорижда ишлаш фойдали, деб биламан. Мендан кўпична маошим ҳақида сўрашади. Очиги, буни айтиш бир оз ноқулай, аммо яхшигина ҳақ тўлашни рости. Лекин бу ердан оли-надиган тажриба жуда муҳим.

Ана шундай катта компанияларда ўз-бекистонлик ёшлар кўп бўлишини истар-дим. Чунки бизда бу борадаги салоҳият ошиб борапти. Юртимизда рақамлашти-риш жараёни жадаллашиб бориши билан шу соҳа кадрларига талаб ортиб бораёт-ганини кузатаямиз. Замонавий касбларда яхши мутахассис бўлиш учун эса юқори-да айтилгандек, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, билимларни бойитиб бориш ва албатта, тажриба ошириш зарур.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

ТАЪТИЛ



Ёзнинг жазирама кунларида соя-салқин масканларда дам олишга нима етсин. Таътилда ўқувчилар оромгоҳларда дам олишни орзу қилади. Бундай оромгоҳлар юртимизда кўп. "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамаиятига қарашли "Истиклол" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ана шундай масканлардан бири.

Оромгоҳ Зомин тоғларининг хушман-зара худудига жойлашган. Ҳозир иккинчи босқичда 210 нафар ўғил-қиз дам олоқ-да. Ҳордиқ қизқарли дамлари мароқли ўтиши учун зарур шароитлар яратилган.

"Моҳир кўллар", "Ёш рассомлар", инглиз тили ва спорт тўғараклари ҳамиша ўқу-чилар билан гавжум. Оромгоҳда режа асосида қизқарли тадбир ва мусобақа-лар мунтазам ўтказилмоқда. "Талантлар

танлови" дам олувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу танловда "Энг яхши рассом", "Энг яхши спортчи", "Энг яхши қўшиқчи", "Энг фаол китобхон" номинациялари бў-йича ғолиблар аниқланди.

— Мен "Ёш спортчи" номинация-си бўйича биринчи ўринни қўлга ки-ритдим, — дейди дам олувчи Бобур Абдуллаев. — Оромгоҳда тажрибали мураббийлар томонидан волейбол, футбол, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича мунтазам мусобақалар ташкил этилмоқда. Мусобақалар бизни чиқиқ-тириб, саломатлигимизни янада мус-таҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Ўқувчиларнинг дам олишини наму-нали ташкил этиш учун зарур шароит яратилди. Комбинат касабда уюшмаси айна кунларда тадбир ва мусобақалар ўтказиб, ғолибларни рағбатлантириш, дам олувчилар хавфсизлигини таъ-минлаш, озиқ-овқат ва таомлар сифа-тини назорат қилишга яқиндан кўмак-лашмоқда.

— Оромгоҳда ҳар куни режа асо-сида муайян мавзу бўйича тадбир ташкил этамиз, — дейди бош тарбиячи Алла Ла-тишева. — "Дўстлигимиз барқарор" мав-зусидаги тадбирда дам олувчилар турли миллат вакиллари қиёфасида миллий либосларни намойиш қилишди. Қардош халқлар тилларида қўшиқ ва рақслар

ижро этилди. Кўрик-танлов тариқасида уюштирилган тадбирда фаол иштирок этган ёшлар рағбатлантирилди.

Болалар билан турли мавзуларда маънавий-маърифий учрашув ва суҳ-батлар ўтказиш йўлга қўйилган. "Ўзбе-кистон — муқаддас диёр", "Билимни ёшлар — юрт таянчи", "Китоб — маъ-рифат чироғи" каби тадбирлар шулар жумласидан.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти) ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўлгани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририяти компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масуъл.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Т-746.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳо-си келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусаххас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 04:45 Топширилди — 05:20

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05